



Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

# Бизнес кайфияти шарҳи

2024 йил IV чорак



**Бизнес кайфияти шарҳи – Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидағи иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик муҳити ва бандлик билан боғлиқ тенденцияларни муқобил кўрсаткичлар орқали ўзида ифода этади.**



Ушбу шарҳ 2024 йилнинг IV чорагида мамлакатда шаклланган бизнес кайфиятини ўрганиш мақсадида 2025 йил январь ойида ҳудудларда ўтказилган сўров натижалари асосида тайёрланди. Сўровда иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритувчи икки мингдан ортиқ тадбиркорлар ижтимоий тармоқлар орқали иштирок этди. Бунда, тадбиркорлик фаолияти йўналишларини кенгроқ қамраб олиш ва репрезентативликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Сўровнома ҳудудлардаги иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик шароитлари ва муҳитига таъсир қилувчи омиллар, энергия истеъмоли ҳажми ўзгариши, юқ ташишдаги кўрсаткичлар, соҳаларда ишли кучига бўлган талаб, бандлик даражаси, савдо ҳажми ҳамда соҳа истиқболи бўйича жорий ҳолат ва кутилмаларни аниқлаш бўйича саволлардан ташкил топган.

Ҳар бир саволга бир неча жавоб вариантлари бириктирилган бўлиб, қатнашувчилар томонидан бир пайтнинг ўзида улардан бир ёки бир нечтаси танланиши мумкин. Натижалар ҳар бир жавоб вариантини танлаганлар сонини умумий жавоблар сонига бўлиш ва алоҳида гуруҳлар бўйича вазнли коэффициентлар қўллаш орқали умумлаштирилган. Умумлаштирилган маълумотлар тақсимот қоидалари асосида таҳлил қилиниб, ўртacha кўрсаткичлар билан таққосланган.

Таҳлиллар мамлакатнинг турли ҳудудларидаги иқтисодий шароитларни қиёсий таққослаш ва уларнинг ўзгариш тенденцияларини сифат жиҳатидан ўрганиш имконини беради.

## **Умумий хуносалар**

### **Тадбиркорлик мұхити**

2024 йил IV чорагида сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг 53 фоизи жойларда бизнес мұхити яхшиланганини маълум қилди (III чоракда бу кўрсаткич 57 фоизни ташкил этган эди). Сўнгги икки йил давомида ушбу кўрсаткич 52–57 фоиз оралиғида сақланиб келмоқда. Тадбиркорлар томонидан банк хизматлари сифатининг яхшилангани ва кредит олиш имкониятларининг кенгайгани асосий ижобий омиллар сифатида қайд этилди. Шу билан бирга, лицензия ва рухсатномалар олиш жараёнлари ҳамда рақобат мұхитида кузатилган ўзгаришлар умумий мұхит яхшиланишига хизмат қилди.

Божхона тарифлари ва чекловлари, солиқ маъмурчилиги, монополлашув даражаси, йўллар инфратузилмаси ҳамда газ ва электр таъминоти тизимида сезиларли яхшиланишлар қайд этилмагани таъкидланди.

### **Иқтисодий фаоллик**

Мазкур чоракда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаоллигига ижобий динамиканинг ўсиши бироз секинлашишига қарамай, ижобий жараёнлар давом этаётганлиги кузатилди.

Респондентларнинг қўшимча ишчи кучига бўлган талаби, юк ташиш, ишлаб чиқариш ва улар бўйича буюртмалари ҳажмида кузатилган ўсиш суръатлари ўртача ҳисобда секинлашган. Шу билан бирга, энергия ресурслари, хусусан, газ ва электр энергияси истеъмоли ҳажми ошиб, сўнгги йилларда кузатилган энг юқори кўрсаткичларга яқинлашди.

Ўрганиш даврида корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси олдинги чоракка нисбатан бироз пасайгани қайд этилди. Бунда II чоракда тадбиркорларнинг 58 фоизи ўрта ёки юқори ишлаб чиқариш қувватларида фаолият юритган бўлса, III чоракда 54 фоизгача, IV чоракда эса 50 фоизгача пасайиб, ушбу кўрсаткич охирги бир ярим йилдаги энг паст даражасида шаклланди.

Бу ҳолат асосан Наманган, Жиззах ва Тошкент вилоятларида кузатилган бўлса-да, Андижон, Фарғона, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида ишлаб чиқариш қувватларидан нисбатан юқори даражаларда фойдаланилган. Тўлиқ қувватда ишламаслик сабаблари сифатида газ ва электр таъминотидаги узилишлар, автомобиль ёнилғи нархининг ошиши, шунингдек, солиқ тизимидағи қийинчиликлар қайд этилган. Бунда, газ ва электр таъминотидаги узилишларни таъкидлаган респондентлар улуши 26 фоизни ташкил этди.

## **Умумий хуносалар**

### **Бандлик**

2024 йилнинг IV чорагида қўшимча ишчи кучига бўлган талабларда олдинги чоракка нисбатан бироз пасайиш юз берган. Республика бўйича сўнгги уч чоракда ишчи кучига талабнинг сезиларли ўсиши кузатилмаган бўлса-да, Андижон, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳрида мазкур йўналишда талабнинг маълум даражада жонланиши қайд этилди.

Соҳалар кесимида умумий овқатланиш, ишлаб чиқариш, қурилиш ва хунармандчилик корхоналарида қўшимча ишчи кучига бўлган талаб ортгани маълум қилинди. Шу билан бирга, ходимлари сони 10 нафардан ортиқ бўлган корхоналарда ишчи кучига талаб ошган бўлса, кичик корхоналарда ушбу кўрсаткич ўзгармасдан қолгани таъкидланди.

Келгуси чоракда қурилиш, ишлаб чиқариш, умумий овқатланиш ва қишлоқ хўжалигида қўшимча ишчи кучига бўлган талаб бироз жонланиши кутилмоқда. Ҳудудлар орасида энг юқори ўсиш Андижон, Самарқанд ва Тошкент шаҳрида шаклланиши мумкин.

### **Молиявий ҳолат**

Сўнгти бир ярим йил мобайнида тадбиркорларнинг қарз юкламаси умумий ҳолда ошмагани қайд этилди. Кредит ва қарз тўловлари ҳажмининг юқори ўсиши Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятларида кузатилди. Жорий йил бошидан республика бўйича тадбиркорларнинг кредитга бўлган эҳтиёжида сезиларли ўзгариш кузатилмаган бўлса-да, Наманган, Самарқанд, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг кредит маблағларига бўлган талаби нисбатан юқори шаклланиши кузатилмоқда.

### **Истиқболлар**

Ўрта муддатли истиқболда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар ижобий даражада шаклланмоқда. Сўнгги чоракларда иқтисодиёт яхшиланишини кутаётганлар улуши бироз камайган бўлса-да, респондентларнинг деярли учдан икки қисми ижобий кутилмаларини қайд этган.



## Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти

2024 йилнинг IV чорагида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бизнес юритиш шароитлари яхшиланганини таъкидлаган тадбиркорлар улуши аввалги чоракка нисбатан бироз камайган бўлса-да, жами респондентларнинг 52 фоизи жорий вазиятни ижобий баҳолаган. Айниқса, ишлаб чиқариш, қурилиш, таълим ва коммунал хизмати соҳаларида бизнес кайфияти чорак давомида яхшилангани кузатилди. Шунга қарамай, етказиб бериш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва молия соҳаларида шароитлар яхшиланганини қайд этганлар улуши бироз қисқарди.


Тадбиркорлар фикрича, бизнес муҳитида кузатилган ижобий ўзгаришлар асосан банк хизматлари сифати ва кредит олиш имкониятларининг кенгайиши, шунингдек, рақобат муҳити яхшилангани билан боғлиқ. Бироқ мазкур ҳудудларда божхона тарифлари ва чекловлари, монополлашув даражаси, солик маъмурчилиги ҳамда газ ва электр таъминоти йўналишларида сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилмагани таъкидланмоқда.

Шунингдек, III чорақда газ ва электр таъминотида кузатилган ижобий тенденциялар IV чорақда бироз ёмонлашгани қайд этилди. Ўртача ҳисобда йўллар инфратузилмасида ижобий ўзгаришлар ўсиши қисқарган бўлиб, қурилиш, савдо, туризм ва коммунал соҳалари вакиллари томонидан ижобий жавоблар улуши камайгани билан изоҳланади.


Лицензия ва гувоҳномалар олиш жараёнлари, шунингдек, солик маъмурчилиги билан боғлиқ муаммолар етказиб бериш, умумий овқатланиш ва савдо соҳалари вакиллари томонидан кўпроқ таъкидланмоқда.

Жорий даврда ҳудудда ёқилғи ва энергия истеъмоли, шунингдек, буюртмалар ҳажми ўрта даражада ўсгани қайд этилди. Бироқ юқ ташиш ҳажми, қўшимча ишчи кучига бўлган талаб ва кредит/қарз тўловларида сўнгги икки чорақда катта ўзгариш рўй бермади.


**1-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда**



**2-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда**



**3-расм. Иқтисодий фаоллик қўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда**





## Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти

Ёқилғи ва энергия истеъмоли олдинги чоракка нисбатан ошган бўлса, ишлаб чиқариш ҳажмлари бироз пасайгани маълум қилинди.

Сўнгги уч чорак давомида нисбатан паст ишлаб чиқариш қувватларида фаолият юритган тадбиркорлар улуши ошган бўлиб, IV чорақда 55 фоизга етди (аввалги чорақда 50 фоиз). Бу кўпроқ қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва таълим соҳаларида намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, ўрта ва нисбатан юқори қувватларда, асосан тиббиёт, алоқа-ахборот технологиялари ва майший хизматлар соҳаларидаги корхоналар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик сабаблари сифатида газ ва электр таъминотидаги узилишлар, ички бозорда талабнинг етарли даражада бўлмагани ҳамда ижара харажатларининг юқорилиги таъкидланган.


### Келгуси чорак кутилмалари

Тадбиркорлар келгуси чорақда ёқилғи ва энергия истеъмоли ҳажми ортишини кутмоқда. Соҳалар кесимида мазкур кўрсаткич коммунал хизматлар, умумий овқатланиш ва қурилишда нисбатан баланд бўлиши мумкин. Шу билан бирга, юкларни ташиш ҳажми бўйича ижобий кутилмалар улуши аввалги чоракка нисбатан ошиб 47 фоизга тенг бўлди (III чорақда 40 фоизни ташкил этган).


Ишчи кучига бўлган талаб, асосан, тиббиёт, таълим, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳаларида ўсиши кутилаётган бўлса, ишлаб чиқариш ва буюртмалар ҳажми бўйича ижобий кутилмалар бироз пасайган. Келгуси чорақда таълим, тиббиёт ва умумий овқатланиш соҳаларида кредит маблағларига бўлган талабнинг ўсиши таъкидланмоқда.

Шунингдек, респондентларнинг мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалари сўнгги даврда бироз пасайиб жами респондентларнинг 56 фоизини ташкил этмоқда.


**4-расм. Тўлиқ фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда**



**5-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**



**6-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**





## Бухоро, Навоий, Самарқанд

2024 йилнинг IV чорагида Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида бизнес вакилларининг 52 фоизи тадбиркорлик шароитларининг яхшиланганини таъкидлашди. Тиббиёт, коммунал хизматлар, туризм ва умумий овқатланиш соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг бизнес кайфиятида сезиларли ўсиш кузатилди. Шу билан бирга, хунармандчилик, таълим ва қурилиш соҳаларида шароитлар яхшиланыётганини қайд этганлар улуши аввалги чоракка нисбатан бироз камайган.

Чорак давомида лицензия ва гувоҳномалар олиш жараёнлари соддалашгани, шунингдек, рақобат муҳити ва йўллар инфратузулмаси яхшилангани ижобий омиллар сифатида эътироф этилди. Бироқ солиқ маъмурчилиги, божхона тариф ва чекловлари, монополлашув даражаси ҳамда энергия таъминотида сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилмагани қайд этилди.

Аксарият тадбиркорлар банк хизматлари сифати ортгани ҳамда кредит олиш имкониятлари кенгайганини кузатган (мос равища 71 ва 63 фоиз).


Рақобат муҳити умумий ҳисобда бироз ёмонлашган бўлса-да, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва майший хизматлар соҳаларида яхшиланганини қайд этганлар кўпчиликни ташкил этди.

Шу билан бирга, газ ва электр таъминоти ёмонлашганини маълум қилган респондентлар улуши аввалги чоракка нисбатан ошган бўлиб, бу кўпроқ хунармандчилик, ташиш ва таълим хизматлари соҳаларида намоён бўлди. Шунга қарамасдан, энергия истеъмоли бўйича аввалги чорақдаги ўсиш даражаси сақлаб қолинди.


Қўшимча ишчи кучига бўлган умумий талаб ўзгармаган бўлса-да, тиббиёт, майший хизматлар ва қишлоқ хўжалигида бироз ошгани кузатилди. Юк ташиш ҳажми ҳам аввалги чоракка нисбатан сезиларли даражада ўзгармагани маълум қилинди.

IV чорақда буюртмалар ҳажми ўртача ҳисобда ўсган. Бунда, алоқа ва ахборот технологиялари, майший хизмат ҳамда тиббиёт соҳаларида буюртмалар ҳажми сезиларли ошгани кузатилди.


**7-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда**



**8-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда**



**9-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда**





## Бухоро, Навоий, Самарқанд

2024 йил IV чорагида ушбу ҳудудда кредит ва қарз тўловлари кўрсаткичлари умумий ҳолда ўзгармасдан қолган бўлса-да, туризм ва курилиш соҳаларида бироз ўсиш кузатилган.

Ўрта ва нисбатан юқори қувватларда фаолият олиб борган корхоналар улуши чорак давомида бироз камайди. Майший хизматлар, қишлоқ хўжалиги ҳамда ишлаб чиқариш соҳалари паст қувватда фаолият юритган. Аксинча, умумий овқатланиш, тибиёт ва коммунал хизматлар соҳаларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қувватлари ошгани қайд этилди.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик сабаблари сифатида асосан энергия таъминотидаги узилишлар, солиқ тизимидағи қийинчиликлар ҳамда ёнилғи нархлари ошиши каби омиллар таъкидланди.


### Келгуси чорак кутилмалари

Келгуси чорақда туризм, коммунал хизматлар, тибиёт соҳаларида энергия истеъмоли ҳажми юқори даражада ўсиши кутилмоқда. Қўшимча ишчи кучига бўлган талаб бўйича ижобий кутилмалар аввалги чоракка нисбатан бироз пасаймоқда. Мазкур ҳолатни таълим, тибиёт ва ҳунармандчilik соҳаларида ўсиш суръатлари секинлашиши билан изоҳлаш мумкин.


Умумий овқатланиш, тибиёт ва туризм соҳаларида буюртмалар ҳажми ошиши бўйича оптимистик кутилмалар сақланиб қолган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги, туризм ва коммунал хизматлар соҳаларида қўшимча кредит маблағларига бўлган эҳтиёж юқори даражада бўлиши кутилмоқда.

Сўров натижаларига кўра, келгуси уч йиллик даврда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича умумий ижобий кутилмалар сақланиб қолган. Респондентларнинг 62 фоизи келгусида иқтисодиёт ва бизнес иқтиқболлари яхшиланишини билдиromoқда.

**10-расм. Тўлиқ фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда**



**11-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**



**12-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**





## Андижон, Наманган, Фарғона

2024 йилнинг IV чорагида Фарғона водийсида бизнес шароитларининг яхшиланишини қайд этган тадбиркорлар улуши аввалги чоракка нисбатан бироз камайиб, 55 фоизни ташкил этди. Асосан таълим, умумий овқатланиш, ишлаб чиқариш ва тиббиёт соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорлар ижобий ўзгаришларни маълум қилишган. Аксарият соҳа вакиллари томонидан рақобат муҳити яхшилангани, лицензия ва гувоҳномалар олиш соддалашгани ҳамда маъмурий аралашувлар қисқаргани қайд этилди.


Шу билан бирга, божхона тарифлари, йўллар инфратузилмаси ва солик маъмурчилигига сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилмагани маълум қилинди. Респондентларнинг аксарияти газ ва электр таъминотида кузатилган қийинчиликларни таъкидлашди. Хусусан, хунармандчилик, коммунал хизматлар, етказиб бериш ва умумий овқатланиш соҳаларида энергия билан боғлиқ муаммолар кўпроқ сезилган. Шунга қарамасдан, электр энергияси ва табиий газ истеъмоли сўнгги чоракларда ошиб бормоқда.

IV чорақда юкларни ташиш ҳажми олдинги чоракка нисбатан ўсан бўлиб, бу асосан кафе-ресторан соҳасида намоён бўлди. Кўшимча ишчи кучига бўлган талаб кўп соҳаларда аввалги даражада сақланган бўлса-да, хунармандчилик, илм-фан ва таълим йўналишларида маълум даражада ошгани қайд этилди.


Таълим, умумий овқатланиш ва молия соҳаларида буюртмалар сони бошқа йўналишларга нисбатан кўпроқ ошиши натижасида, умумий буюртмалар ҳажми ўрта даражада ўсади. Кредит ва қарз тўловлари бўйича эса жорий йил бошидан сезиларли ўзгаришлар кузатилмагани маълум қилинди.

Ушбу даврда нисбатан юқори қувватларда фаолият юритган тадбиркорлар улуши 71 фоиздан 63 фоизгача пасайди.


**13-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда**



**14-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда**



**15-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда**





# Андижон, Наманган, Фарғона

Шу билан бирга, ўрта ва юқори ишлаб чиқариш қувватларида кўпроқ тиббиёт, туризм ҳамда умумий овқатланиш соҳаларидағи тадбиркорлар фаолият юритгани маълум бўлди.

Нисбатан паст ишлаб чиқариш қувватларида ишлаган тадбиркорлар эса энергия таъминотидаги узилишлар, автомобиль ёнилғи нархининг ўсиши, бозорда талаб етарли эмаслиги ва солик тизими билан боғлиқ баъзи тўсиқларни асосий муаммолар сифатида таъкидлади.


## Келгуси чорак кутилмалари

Келгуси чорақда хунармандчилик, ташиб хизмати, фан-таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларида ёқилғи ҳамда энергия истеъмоли ҳажми ошиши кутилмоқда. Шунингдек, юкларни ташиб ҳажми ва қўшимча ишчи кучига бўлган талаб бўйича ижобий кутилмалар олдинги чоракка нисбатан бироз яхшилангани маълум қилинди. Хусусан, қўшимча ишчи кучига бўлган талаб асосан хунармандчилик, таълим, тиббиёт ва ишлаб чиқариш соҳаларида ошиши тахмин қилинмоқда.


Ишлаб чиқариш, савдо, коммунал хизматлар ҳамда умумий овқатланиш соҳаларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг кўпайиши кутилмоқда. Шу билан бирга, қўшимча кредит маблағларига бўлган эҳтиёжи мавжудлигини билдирган тадбиркорлар улуши III чоракка нисбатан бироз ортгани кузатилди. Таълим, хунармандчилик, ахборот технологиялари ва қурилиш соҳаларида эса аксинча кредит маблағларига бўлган талабнинг камайиши кутилмоқда.

Тадбиркорларнинг ўрта муддатли иқтисодиёт ва бизнес истиқболларига бўлган муносабати ижобийлиги сақланиб қолмоқда. Келгуси уч йилда иқтисодиёт ва бизнес соҳаси ривожланиши бўйича оптимистик кутилмаларга эга респондентлар улуши бироз ортиб, 66 фоизни ташкил этди.

**16-расм. Тўлиқ фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда**



**17-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**



**18-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**





# Қашқадарё, Сурхондарё

2024 йилнинг IV чорагида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бизнес шароитларининг яхшиланишини қайд этган тадбиркорлар улуши аввалги чорақдаги 61 фоиздан 48 фоизгача пасайди. Ушбу кўрсаткичда камайиш асосан майший хизматлар, қурилиш, умумий овқатланиш ҳамда молия соҳаларидаги тадбиркорлар томонидан таъкидланган.

Бундан ташқари, олдинги чоракка нисбатан божхона тарифлари ва чекловлари, монополлашув даражаси, рақобат муҳити ҳамда солик маъмурчилиги бўйича ижобий ўзгаришлар секинлашгани қайд этилди. Тадбиркорлар орасида бизнес кайфияти яхшиланганини маълум қилганлар, буни асосан, банк хизматлари сифати яхшилангаётгани ва кредит олиш имкониятларининг кенгайиши билан изоҳлашмоқда.


Умумий овқатланиш ва тиббиёт соҳаларида энергия ресурслари билан таъминлаш борасида бироз ижобий ўзгаришлар кузатилган бўлса-да, бошқа соҳаларда эътиборли яхшиланиш қайд этилмаган.

Шу билан бирга, йўллар инфратузилмасида ижобий ўзгаришларни маълум қилган тадбиркорлар улуши ўтган ойга нисбатан 16 фоизга камайган. Ёқилғи ва энергия истеъмоли ҳажми ҳам олдинги чоракка нисбатан бироз пасайган бўлиб, бунда асосан ташиш, коммунал ҳамда алоқа хизмати соҳаларида энергия истеъмоли ҳажми кўпроқ қисқаргани намоён бўлган.


Буюртмалар ҳажмидаги ўсиш олдинги чорақдаги даражада сақланган бўлса-да, унинг ўсиш суръатлари тиббиёт, майший хизматлар ва умумий овқатланиш соҳаларида бироз секинлашгани қайд этилди. Кредит тўловлари органини белгилаганлар улуши камайгани кузатилди.

Қўшимча ишчи кучига бўлган талаб умуман олганда аввалги чорак даражасида сақланган бўлиб, ишлаб чиқариш ва туризм соҳаларидагина бироз ўсгани қайд этилди.


**19-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда**



**20-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда**



**21-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда**





# Қашқадарё, Сурхондарё

Мазкур чоракда ушбу ҳудудларда умумий бизнес муҳитида бироз пасайиш кузатилган бўлса-да, айрим соҳаларда ижобий ўзгаришлар сақланиб қолмоқда. IV чоракда ўрта ва нисбатан юқори қувватларда фаолият юритган тадбиркорлар улуши 3 фоизга ошиди. Бундай ўсиш, асосан, таълим, умумий овқатланиш ҳамда коммунал хизматлар соҳаларида кузатилган. Молия ва тиббиёт хизматларида эса ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш бироз пасайган.

Тўлиқ қувватда ишламаган тадбиркорлар эса энергия таъминотидаги узилишлар, ёнилғи нархининг ошиши, шунингдек, ички бозорда талаб етарли эмаслиги каби омилларни асосий тўсиқлар сифатида маълум қилишди.

## Келгуси чорак кутилмалари

Келгуси чоракда ёқилғи ва энергия истеъмоли ҳажмининг ошиши бўйича ижобий кутилмалар шаклланган бўлиб, бу туризм, умумий овқатланиш ва таълим соҳаларида кўпроқ намоён бўлмоқда.

Юк ташиш ҳажми ортиши бўйича ижобий кутилмалар тиббиёт, алоқа ҳамда хунармандчилик соҳаларида бироз пасайиши мумкинлиги маълум қилинди. Қўшимча ишлини кучига бўлган талабнинг ўсиши бироз секинлашиши кутилмоқда. Бунда, коммунал, алоқа ва ташиш хизматлари соҳасида ишлини кучига талаб бироз камайиши мумкин.

Шу билан бирга, таълим ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида буюртмалар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг келгуси чоракда ўсиши бўйича ижобий кутилмалар мавжуд.


Сўнгги чоракларда қўшимча кредит маблағларига бўлган талаб камайиб бормоқда. Келгуси чоракда савдо соҳаси вакиллари томонидан қўшимча кредит маблағларига талаб ошиши мумкин.

Тадбиркорларнинг келгуси уч йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича ижобий кутилмалари улуши аввалги чоракка нисбатан бироз камайиб 56 фоизни ташкил этди.


**22-расм. Тўлиқ фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда**



**23-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**



**24-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**





# Жиззах, Сирдарё

2024 йилнинг IV чорагида, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 57 фоиз тадбиркорлар томонидан бизнес юритиш шароитлари яхшилангани қайд этилди (III чорақда 52 фоиз). Шароитлар яхшиланганини коммунал хизматлар, алоқа ва ахборот, молия, умумий овқатланиш ҳамда фан-таълим соҳалари вакиллари таъкидлаган.

Соҳа вакиллари томонидан рақобат муҳити, йўллар инфратузулмаси, солик маъмурчилиги, шунингдек, лицензия ва гувоҳномалар олиш жараёнларида ижобий ўзгаришлар кузатилгани қайд этилди. Божхона тарифлари ҳамда монополлашув даражаси бўйича катта ўзгаришлар кузатилмаган.

Энергия таъминоти ёмонлашганини қайд этган респондентлар улуши камайган бўлиб, газ ва электр таъминоти яхшилангани ташиш хизматлари, майший ҳамда коммунал хизматлар, шунингдек, таълим соҳалари вакиллари томонидан маълум қилинган.


Чорак давомида қўшимча ишчи кучига бўлган талаб ўрта ҳисобда ошган бўлса-да, тиббиёт, туризм ва савдо соҳаларида талаб бироз пасайгани билдирилди. Юкларни ташиш ҳажми эса аввалги чорак даражасида қолгани маълум қилинди.

Ёқилғи ва энергия истеъмоли қўпайганини билдирганлар улуши аввалги чоракка нисбатан 4 фоизга қўпайган бўлиб, бу асосан савдо, умумий овқатланиш ва етказиб бериш соҳаларига тўғри келган. Алоқа ва ахборот технологиялари, умумий овқатланиш ҳамда майший хизмат кўрсатиш ҳажми ошгани таъкидланди.


Шу билан бирга, сўнгги ярим йил давомида кредит ва қарз тўловлари ҳажми ўзгаришсиз сақланиб келаётгани қайд этилди.

Чорак якунида тадбиркорларнинг 49 фоизи нисбатан ўрта даражада ёки юқори ишлаб чиқариш қувватларида фаолият олиб борган. Ушбу кўрсаткич аввалги чоракка нисбатан бироз пасайган.


**25-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда**



**26-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда**



**27-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда**





# Жиззах, Сирдарё

IV чорақда ўрта ва юқори ишлаб чиқариш кувватларидаги фаоллик, асосан, умумий овқатланиш, ташиш ҳамда молия хизматлари соҳаларида кузатилган. Тўлиқ ишламаслик сабаблари сифатида энергия таъминотидаги узилишлар, талабнинг етарли эмаслиги ва солик тизимининг мураккаблиги билдирилди.

## Келгуси чорак кутилмалари

Келгуси чоракда ёқилғи ва энергия истеъмоли ҳажми сезиларли ошиши кутилмоқда. Бу алоқа ва ахборотлаштириш, қишлоқ хўжалиги соҳалари вакиллари томонидан таъкидланган. Шунингдек, юкларни ташиш ҳажмининг ортиши мумкинлиги маълум қилинган бўлиб, соҳалар кесимида қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва майший хизматларда юқори ўсиш кутилмоқда.


Тадбиркорларнинг 55 фоизида ишчи кучига бўлган талаби келгуси чорақда ортиши мумкин. Бундай талаб, асосан, майший хизматлар, қурилиш, ташиш ҳамда алоқа хизматлари соҳаларида шаклланиши кутилмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажмлари ошиши бўйича ижобий кутилмалар қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳаларида шаклланган.

Ташиш хизматлари, қурилиш ва ҳунармандчиллик соҳаларида буюртмалар ҳажмининг ортиши билан бирга юқ ташиш ҳажмининг ҳам кўпайиши кутилмоқда.


Шу билан бирга, келгусида кредит ресурсларига бўлган талабнинг кўпайишини билдирганлар улуши кўпайиб, 48 фоизни ташкил этди. Бунда, майший хизмат, қурилиш ҳамда етказиб бериш соҳаларида мазкур талабнинг нисбатан юқори шаклланиши кутилмоқда.

Бизнес вакилларининг 56 фоизи келгуси ўрта муддатли истиқболда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболларини ижобий баҳолашган (III чорақда 59 фоиз).


**28-расм. Тўлиқ фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда**



**29-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**



**30-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**





## Қарақалпоғистон, Хоразм

2024 йилнинг IV чораги якунига кўра, Қарақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бизнес шароитлари яхшиланганини қайд этган тадбиркорлар улуши 55 фоизгача камайди (III чоракда 61 фоиз). Шу билан бирга, ҳунармандчилик, алоқа-ахборот, майший хизмат, ишлаб чиқариш ҳамда қурилиш соҳаларида бизнес юритиш шароитларининг яхшилангани қайд этилди.


Тадбиркорлар томонидан рақобат муҳити, йўллар инфратузилмасида ижобий ўзгаришлар кузатилгани ҳамда лицензия ва гувоҳномаларни олиш жараёнларининг соддалашгани таъкидланди. Бироқ божхона тарифлари ва чекловлари, солик маъмурчилиги ҳамда монополлашув даражаси бўйича сезиларли ўзгаришлар қайд этилмаган.

Энергия таъминоти ҳамда йўллар инфратузилмаси бўйича катта ўзгариш бўлмагани қайд этилган. Шу билан бирга, ёқилғи ва энергия истеъмоли олдинги чоракка нисбатан ошган бўлиб, бу асосан тиббиёт, майший хизматлар, алоқа ҳамда умумий овқатланиш соҳаларига тўғри келган.


Аксарият тадбиркорлар қўшимча ишчи кучига бўлган талаби ва ишлаб чиқариш ҳажми олдинги даражада қолганини қайд этишган. Шунингдек, таълим, майший ва коммунал хизматлар сингари аксарият соҳаларда буюртмалар сони ҳам сезиларли ўзгармаган. Кредит ва қарз тўловлари ҳажми эса алоқа ва ахборот, умумий овқатланиш ҳамда тиббиёт соҳаларида бироз ошган.

Чорак давомида ўрта ва нисбатан юқори ишлаб чиқариш қувватларида фаолият юритган корхоналар улуши бироз камайган. Қишлоқ ҳўжалиги, таълим ва коммунал хизматлар соҳасидаги тадбиркорлар нисбатан паст қувватларда фаолият юритган. Шу билан бирга, майший хизматлар, умумий овқатланиш ва молия соҳаларида жонланиш кузатилган.


**31-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда**



**32-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда**



**33-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда**





# Қарақалпогистон, Ҳоразм

Жорий даврда тўлиқ ишлаб чиқариш кувватларида фаолият юритмасликка асосий сабаблар сифатида энергия таъминотидаги узилишлар, солик тизимидағи қийинчиликлар ҳамда ёнилғи нархининг ортиши таъкидланди. Ушбу омиллар корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишини чеклаб, умумий самарадорликка салбий таъсир кўрсатган.

## Келгуси чорак кутилмалари

Тадбиркорлар келгуси чорақда ёқилғи ва энергия истеъмоли ҳамда буюртмалар ҳажми ортиши бўйича ижобий кутилмаларга эга. Хусусан, алоқа ва ахборот, молия, қурилиш ва майший хизматлар соҳаларида ўсиш суръатлари юқори бўлиши тахмин қилинмоқда.


Алоқа-ахборот, молия, ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳаларида келгуси ойларда буюртмалар ҳажмининг ошиши бўйича ижобий кутилмалар шаклланган. Соҳалар кесимида ҳунармандчиллик, тибиёт ва қурилишда ишчи кучига бўлган талаб ўсиши бўйича кутилмалар ошган.

Молия, алоқа ва ахборот, коммунал хизматлар ҳамда ҳунармандчиллик соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши кутилаётгани маълум қилинди. Шунингдек, аксарият тадбиркорлар буюртмалар ҳажмининг ошишини кутмоқдалар. Коммунал хизматлар, етказиб бериш, молия ва ишлаб чиқариш тармоқларида кутилмалар ижобий шаклланиб бораётганини кўриш мумкин.


Қўшимча кредит маблағларига бўлган талабнинг ортишини билдирганлар камчиликни ташкил этган бўлса-да, алоқа ва туризм соҳаларида кредит ресурсларига эҳтиёж юқори даражада сақланиб қолган.

Сўровда қатнашган респондентларнинг 60 фоизида келгуси уч йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар ижобий шаклланмоқда.

**34-расм. Тўлиқ фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда**



**35-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**



**36-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда**

